O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.**


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 24-oktabr • Shanba • 125 (30.085) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Арипов Раим Рауфович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Асадов Ҳасан Даминович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Режевалиев Музафар Орунбаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Утешов Аскарали Исметуллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**«Дўстлик» ордени билан**

**Бонадисев Сергей Александрович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

**Лифанов Владимир Федотович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар мудофааси бўлими бошлиғи

**Эшонкулов Ғанишер Мирзамаҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**«Жасорат» медали билан**

**Аликулов Азамат Шерович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси отряди командири

**Бадриддинов Рўзимурод Меҳмонович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Жумагелдиев Курбанияз Якупбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

**Жаркинов Қодир Алиевич** — Самарқанд вилояти Ургут тумани Ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг ҳарбийлаштирилган қисми смена бошлиғи

**Мадаюпов Элмурод Солижонович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Расулов Нематжон Собирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати бригадаси инспектори

**Тожибоев Абдусамад Абдурашидович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционер-ҳайдовчиси

**Тошназаров Шуҳрат Мирмуҳамадович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Шеров Икром Анорович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Бадалбоев Маннон Якубович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми катта инструктори

**Жўрабоева Нигора Абдураҳмоновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази инспектори

**Измайлова Наталья Викторовна** — Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ички ишлар бошқармаси статистика гуруҳи катта инспектори

**Қаршибоев Убайдулла Атауллаевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Колонов Азамжон Обидович** — Фарғона вилояти Данғара тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мирзамов Салимжон Тўхтабоевич** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Ички ишлар бўлимининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари

**Муяссаров Асрор Акрамович** — Бухоро вилояти Пешку тумани Ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

**Пармонов Истам Исломович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг катта инспектори

**Раимкулов Ниғматилла Жумадуллаевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Сапартаев Шамурат Янашевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Умирзоқов Ильёс Сафарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**«Шуҳрат» медали билан**

**Болтаев Хожибой Ўринович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Зикиров Чори Тошпўлатович** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Маматов Акбарали Абдимиталович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси милиционери

**Миразов Даврон Мирагзамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи

**Ширназарова Санобар Патхидиновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Интерпол» миллий марказий бюроси котибияти бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 23 октябрь*

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнани қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари изчил ривожланаётганини қайд этди. Бу муносабатлар икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигига асосланган.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосига қурилган. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган бўлиб, ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туради. Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқаро майдонда бирбирини қўллаб-қувватлаб, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Соманахалли Кришна самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириб бораверишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

### Фракция фаолияти

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди.***

## 2010 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ

**юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатларининг нуқтаи назари ишлаб чиқилди**

2010 йилги Давлат бюджети лойиҳасида назарда тутилаётган асосий кўрсаткичлар, лойиҳанинг мазмун-моҳияти, аввалги йиллардагидан фарқли жиҳатлари, таклиф этилаётган янгиликлар ҳақида молия вазирининг ўринбосари Мўбин Мирзаевнинг маърузаси тингланди.

Дастлаб 2008 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий якунлари бўйича маълумотлар кўриб чиқилди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш ҳамда инқирозга қарши чораларнинг изчил амалга оширилиши натижасида 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 5 фоизга ўсиши таъминланиши кутилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

**Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.**

## ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

*20 октябрь куни* ***Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди***



***Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини ташкил этиш, округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларда иштирок этиши билан боғлиқ масалалар ҳақида ахборот берди.***

Таъкидландики, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга биноан, парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта бир мандатли ҳудудий сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат марказий ва маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан янги ташкил этилган сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қатор семинар ва тренинглар ташкил этиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этгани маълум қилинди.

(Давоми 2-бетда)

***2009 йилнинг 17 августида Саян-Шушенск ГЭСида юз берган ҳалокатни журналистлар собиқ совет давлати ҳудудида мисли кўрилмаган ҳодиса, деб баҳолашди. Аммо шунга ўхшаш воқеа 1983 йилда Тожикистоннинг Нурек ГЭСида ҳам содир бўлган эди.***

## ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ИНШООТЛАРИДАГИ ҲАЛОКАТЛАР

**махфийлик пардаси ортига бекитилса, аянчли оқибатларга сабаб бўлади**

Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларига яқинда Россия техник назорат маҳкамаси («Ростехнадзор») раҳбари Николай Кутьин хабар берди.

«1983 йилги ўша ҳалокатга тааллуқли ҳужжатлар сир сақланган ва афсуски, кўпчилик мутахассисларга етиб бормаганлиги боис улар вазиятни тўғри баҳолай олмаганлар» деди у.

Таъкидланишича, «Нурек ГЭСида худди Саян-Шушенск ГЭСида бўлгани каби маҳкамловчи қисмлар юлиниб кетган, у ерда ҳам қистиргичлар муаммоси юзага келган».

«Агар ўша вақтда энергетика вазирлиги томонидан ҳужжатлар ошкор этилганида, кўплаб хавф туғдирувчи омиллар бартараф этилган бўларди», деди таассуф билан Н. Кутьин.

Бу сатрларни ўқир экансан, кишини беихтиёр хавотир чулғаб олади: шунга ўхшаш баҳайбат гидроэнергетик иншоотларни қуришда яна қандай нуқсонлар сир тутилган экан, уни ишлатаётганлар бугун яна қандай муаммолар ҳақида сукут сақлашни маъқул кўришаётган экан.

Эҳтимол, Саян-Шушенск ГЭСида яқиндагина юз берган ҳалокатни 26 йил муқаддам Тожикистоннинг Нурек ГЭСида бўлиб ўтган фавқулодда воқеа билан таққослаш, миқёси ва оқибатларига кўра, унчалик тўғри бўлмас. Бироқ ҳалокат сабаблари кўп жиҳатдан ўхшаш-ку?! Эндиликда ишлатила бошланганига ўттиз йилча бўлиб қолган мазкур станцияда ўша вақтда нима воқеа юз берганди?

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Нурек ГЭСи 1-сон агрегати турбинасининг қопқоғида 72 та болтнинг 31 та гайкаси ва 19 та қистиргичи зарарланган. Бу эса герметик ҳолатнинг бузилишига, оқибатда, томчи ўтиб, турбина шахтасига фавқулодда сув сизиб киришига олиб келган.

(Давоми 2-бетда)

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА



Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзоларидан ташқари, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари, яъни Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари жалб этилди. Миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишга мувофиқ, имзо варақаларини кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди. Бу сайлов жараёнининг янада ошкоралиги ҳамда демократлигини таъминлайдиган янги институтдир. Текшириш натижаларига кўра барча сиёсий партиялар томонидан имзо варақалари қонун талабларига мувофиқ тўлдирилгани маълум бўлди.

М.Абдусаломов партиялар томонидан сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганини таъкидлади. Марказий сайлов комиссияси партиялар тақдим қилган ҳужжатларни кўриб чиқиб 17-18 октябрь кунлари ўтказилган мажлисларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг парламент Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари билан боғлиқ саволларига жавоб қайтарди. Журналистларнинг округ сайлов комиссияларининг таркиби ҳақидаги саволига жавоб берар экан, округ сайлов комиссиялари комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилганини таъкидлади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссияларига 1600 нафарга яқин киши жалб этилди. Улар таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, тиббиёт тизими ходимлари, ижтимоий ҳамда маданият соҳасидаги обрў-эътибор қозонган кишилардир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, округ сайлов комиссиялари аъзоларининг қарийб етмиш фоизи аввалги сайловларда ҳам сайлов комиссияларида фаолият кўрсатган ҳамда сайлов жараёнларини ташкил этиш бўйича муайян тажрибага эга.

М.Абдусаломов сайлов кампаниясининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш ишларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш жараёнидаги бош шиори очиқлик, ошкоралик, транспарентликдир. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари ҳам ана шундай тамойилларни амалда таъминлаш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов жараёнларига оид барча маълумотлар тақдим этиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнларини кенг ёритишни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан келишув битимлари имзолади. Бу эса миллий сайлов қонунчилиги, сайлов кампанияси жараёнлари, босқичларини халқимизга етказиш, тушунтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Журналистлар хорижий ва маҳаллий кузатувчиларга ўз фаолиятини эркин олиб бориши учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқдилар.

Марказий сайлов комиссияси раиси миллий сайлов қонунчилигимизда кузатувчилар институтининг мавжудлиги сайловларни очиқ, ошкора, демократик асосда ташкил этишнинг шартларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Хорижий кузатувчиларга маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан тенг имконият ва шароитлар яратилади.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган 2004 йилги парламент сайловида 260 нафар халқаро кузатувчи иштирок этган эди. 2007 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида уч юзга яқин халқаро кузатувчи қатнашди. Бўлажак сайловда эса 300 нафардан ортиқ халқаро ҳамда хорижий давлатлар кузатувчилари ташриф буюриши кутилмоқда. Шу вақтга қадар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларга таклифномалар юборилди. Бошқа халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларга ҳам таклифномалар юбориш давом этаяпти.

Халқаро кузатувчилар сайлов кампанияси жараёнларини, сайлов куни ёки ундан олдин қайси сайлов участкасини бориб кўриш истагида бўлса, уларга барча шароитлар яратиб берилади. Кузатувчилар истаган сайлов участкасида бўлиши, сайлов жараёнларини бевосита кузатиши мумкин.

Матбуот анжуманида журналистларнинг Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қандай манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги саволига ҳам атрофлича жавоб қайтарилди. Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказий сайлов комиссияси раиси, шунингдек, журналистларнинг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб берди.

**Бехзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# 2010 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ

## *юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатларининг нуқтаи назари ишлаб чиқилди*

Инвестиция ҳажмининг 126,1 фоиз миқдорида жадал ўсиши ҳамда чакана товар айланмасининг 18,1 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмининг 18,4 фоизга ўсиши иқтисодий барқарорликнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Истеъмол бозоридаги мутаносибликнинг таъминланиши инфляция даражасини прогноз параметрлари доирасида (7,5%) сақлаш имконини беради. 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари иқтисодий тараққиётнинг юқори ва инфляциянинг паст суръатлари эвазига 23,3 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳаси Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Макроиқтисодий барқарорлик, ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатлари, модернизациялашган, диверсификациялашган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатнинг барча ҳудудларини комплекс ривожлантиришни янада кучайтиришни таъминлаш давлатимиз бош молиявий ҳужжатининг асосий вазифалари эканига эътибор қаратилди. Бюджет лойиҳаси солиқ ва бюджет сиёсатида қабул қилинган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида тузилган бўлиб, ялпи ички маҳсулотни 108,3%, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 108,3%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 105%, капитал қўйилмалар ҳажмининг 122,1 фоизга ўсишини кўзда тутади.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ, 2010 йилда солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини янада камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, аҳолининг даромадларини ўстириш ва харид қобилиятини ошириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштиришга қаратилади.

Муҳокамалар чоғида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу борада ҳукумат вакилларига ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат этдилар.

Шунингдек, депутатлар давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий масалаларга ҳар йилгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилаётгани, олий ўқув юртида ўзининг ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг таълим олиши учун тўланадиган суммаларга солиқ имтиёзининг жорий этилаётгани партия электорати манфаатларига жуда мослигини таъкидлашди. Фракция аъзолари билдирилган фикрлар ва таклифларни инобатга олган ҳолда 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳасини маъқуллаш таклифини илгари сурдилар.

**Асли КАМОЛ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида иштирок этиши ҳамда сайлов кампанияси давридаги тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиладиган видео ролик(клип)ларни тайёрлаш бўйича танловга таклиф этамиз.***

**Танлов шартлари**

Ролик(клип)ларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ғоялари, фаолиятининг устувор йўналишлари, унинг марказий ва маҳаллий ташкилотларининг электорат ижтимоий манфаатлари йўлидаги амалий ишлари, мустақиллик йилларида Ватанимизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар, одамларнинг ҳаёт тарзи ва тафаккурида рўй берган туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ тарзда акс эттирилиши лозим. Партия электорати ижтимоий манфаатларига дахлдор масалаларга ЎзХДПнинг позицияси аниқ ва кўпчиликка тушунарли қилиб тасвирланиши талаб қилинади.

ЎзХДП рамзлари кенг ишлатиладиган роликлар композицияси такрорланмаслиги билан ажралиб туриши, рангли тасвир, мусиқа ва матн уйғун ҳамда ифодали бўлиши шарт.

Видеороликлар, шунингдек, бадиий ва эстетик талабларга жавоб бериши билан бир қаторда, уларда миллийлик, мафтункорлик, бошқа сиёсий партиялар роликларига ўхшамаслик хусусиятларига ҳам эга бўлмоғи даркор.

Ҳар бир роликнинг давомийлиги бир дақиқадан ошмаслиги лозим.

Роликлар тайёрлаш учун зарур маълумот ва ахборотларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашидан олиш мумкин.

Тақдим этилган роликларга муаллиф, ижодий жамоа тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, ташкилот тўғрисидаги қисқача ахборот, паспорт ёки сертификат нусхаси) илова қилинади.

Танловга тайёрланган роликлар лойиҳалари 2009 йил 1 ноябрга қадар қабул қилинади.

**Танловни ўтказиш тартиби**

Танловга тақдим этилган лойиҳалар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тайинланадиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Танловда ғолиб чиққан лойиҳалар муаллифлари билан шартнома тузилади ва қонунда белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Танланган роликлар шартнома тузилгандан кейин икки ҳафта давомида тайёрланиб, буюртмачига топширилиши лозим.

Танловга юборилган лойиҳалар ва уларга дахлдор материаллар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Барча материаллар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига қуйидаги манзилга, «Танлов комиссиясига» деган ёзув билан тақдим этилади: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3, индекс100029.**

**Мурожаат учун телефонлар: 8 (371) 239-83-13, 239-83-14, 239-11-98, 239-48-72.**

**Ўзбекистон ХДП МК**
**Танлов комиссияси**

# ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ИНШООТЛАРИДАГИ ҲАЛОКАТЛАР

## махфийлик пардаси ортига бекитилса, аянчли оқибатларга сабаб бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Автоматика ва ўша пайтда ишлаган ходимларнинг тезкор ҳаракати туфайлигина турбинагача бўлган қисмда жойлашган шарли тамбани ёпишга ва ҳалокатга учраган агрегатга сув киришини тўхтатишга эришилган.

Агар юқорида айтиб ўтилган тадбирлар амалга оширилмаганида, ҳалокатнинг оқибатлари Саян-Шушенск ГЭСи фожиасидан баттар бўларди. Binобарин, шу ўринда Нурек сув омборининг тўғони 300 метрга тенг бўлиб (Саян-Шушенскдагидан 60 метр баланд), дунёдаги энг баланд тупроқ уйиб тикланган тўғон эканлигини эслатиб ўтиш кифоя. Сув омборининг сатҳи 98 квадрат километрни, узунлиги 70 километрни, сув ҳажми эса 10,5 кубокилометрни ташкил этади.

Ўшанда Нурек ГЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишга Киров номидаги «Харьков турбина заводи» атом турбина ишлаб чиқариш бирлашмаси, ЦНИИТМАШ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар жалб этилган. Бу ташкилотлар бир вақтнинг ўзида мудофаа саноати учун ҳам ишларди. Шунинг учун Нурек ГЭСидаги ҳалокатга доир маълумотларни махфий сақлаш тўғрисидаги қарор анча юқори доираларда қабул қилинганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Биз Н. Кутьиннинг, махфийлик сабаб, Нурек ГЭСидаги ҳалокатга оид ҳужжатлар кўпчилик мутахассислар қўлига етиб бормаганлиги ва шу боис улар вазиятни тўғри баҳолай олишмаганлиги хусусидаги фикрига қўшиламиз. Бунинг устига, Нурек ГЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш ва кейинги иш жараёнида унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ишлаб чиқилган тадбирлар бошқа станцияларнинг хизмат кўрсатувчи ходимларига етказилганига ва махсус таъмирлаш, монтаж бўлинмалари томонидан қўлланма сифатида қабул қилинганлигига тўлиқ ишонч йўқ.

Шунингдек, ҳалокат оқибатлари тўғри баҳоланиб, керакли хулоса чиқарилганига, меъёрий ва маҳкама ҳужжатларига тегишли равишда зарурий тузатишлар, ўзгартишлар киритилганлигига ҳамда улар фойдаланиш бўйича қўлланмаларда инобатга олинганига ҳам ишониш қийин.

«Ростехнадзор» раҳбари Нурек ГЭСидаги ҳалокат ҳақидаги ҳужжатлардан махфийлик тамғасини олиб ташлаш Енисейдаги 2009 йилги ҳалокатнинг олдини олиши мумкин эди, деб айтмаган бўлса-да, биз махфийлик пардаси бу ҳалокатнинг асосий сабабларидан бири бўлган, деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, Россиянинг 18 йиллик мустақиллик даврида ҳалокат материалларини ошкор қилиш, уларни мутахассисларга тақдим этиш мумкин эди. Шунда улар вазиятни тўғри баҳолаб, тегишли choralar кўрган бўлишарди. Бугунги кунда собиқ совет давлати ҳудудидаги бир қатор мамлакатларда сув иншоотлари хавфсизлигини назорат қилишга қаратилган қонуний ҳужжатлар қабул қилиниб, давлат назорат органлари тузилган. Сув иншоотлари хавфсизлигини назорат қилиш тадбирлари доирасида беш йилда бир марта сув иншоотининг, механик ускуналарнинг техник ҳолати ва фойдаланиш даражаси марказлашган ҳолда тадқиқ этилади. Тадқиқот махсус дастур асосида комиссия томонидан амалга оширилади.

Бундай қонунлар қабул қилинмаган мамлакатларда эса, айтайлик, Қирғизистон ва Тожикистонда назорат идоравий комиссиялар томонидан олиб борилиб, уларнинг таркибига фойдаланувчи ташкилот ва вазирликларнинг вакиллари киради, холос. Асосий технологик ускуналар эса текшириб кўрилмайди. Ускуналар ҳолатини баҳолаш учун тадқиқот ва лаборатория ишлари умуман ўтказилмайди ёки номигагина, қисман ўтказилади. Агар «қалбаки» текширувлар натижасига кўра эътирозлар бўлмаса, демак, таъмирлаш ишларига маблағ сарфлаш шарт эмас. Бу эса аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бизнингча, бу соҳада қонунлар бўлиши шарт ва уларни такомиллаштириб бориш лозим. Жумладан, ускуналарнинг технологик ва электротехник ҳолатини баҳолаш бўйича ҳар беш йилда марказлашган тадқиқот олиб боришни амалиётга жорий этиш шарт. Гидроагрегатларни тадқиқ этиш, капитал таъмирлаш дастурини тузиш, гидроагрегатларни модернизация ва реконструкция қилиш ишларига ускуналар билан таъминловчи завод вакилларини ҳам жалб этиш керак. Вакиллар узел ва агрегатларнинг яроқлилик даражасини аниқлайди, уларни тиклаш технологиясини ишлаб чиқади ёки алмаштириш ҳақида қарор қабул қилади. Текширув натижаларига кўра эса кейинги даврда хавфсизлик таъминланган ҳолда фойдаланиш муддати кафолатланади.

Бироқ бу масалалар ечими Саян-Шушенск ГЭСида бўлгани каби фойдаланувчиларнинг ўзига қўйиб берилса, юз берган ҳалокат сўнггиси эмаслигига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Ўз вақтида социалистик маҳобатпарастликнинг навбатдаги рамзи сифатида қад ростлаган Саян-Шушенск ГЭСининг барпо этилиш тарихига бир эътибор қаратайлик. Бу ишга 1963 йилда киришилган эди. Шошма-шошарлик шу қадар эдики, қурилиш ишлари ГЭС лойиҳаси тайёр бўлмасданоқ бошлаб юборилди. 1978 йилнинг декабрида биринчи гидроагрегат ишга туширилди, бир йил ўтгач — иккинчиси. Тезроқ рапорт бериш мақсадида агрегатларни вақтинча фойдаланилган ғилдираклар ёрдамида ишга туширишди (махсус тайёрланганлари фақат 1986-87 йилларга келибгина ўрнатилди). Ўтган давр мобайнида бу ерда доимий равишда таъмирлашни талаб этувчи ҳалокатли ҳолат ҳукм сурди.

2000 йилдаги давлат комиссиясининг капитал таъмирдан сўнгги далолатномасида ГЭС ускуналари ҳар жиҳатдан эскирганлиги кўрсатиб ўтилганди. Бу, биринчи навбатда, автоматикага тааллуқли эди: 70-йилларнинг ЭҲМлари ва XXI асрнинг дастурий комплексларини асло тенглаштириб бўлмасди.

Таъмирлаш билан боғлиқ катта муаммолар бор эди. Ҳамма ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари топилавермасди. Масалан, аппарат генераторлари дунёнинг ҳеч қаерида ишлатилмас ва ишлаб чиқарилмасди.

Саян-Шушенск ГЭСидаги фавқулодда ҳодисани ўрганиш хулосалари мутахассислар учун янгилик бўлмади: ҳалокат аввал юзага келган кўпгина ҳолатларнинг оқибат натижаси сифатида рўй бердики, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин эди. Қурилиш вақтидаги шошма-шошарликлар, фойдаланишдаги «тежамкорлик», таъмирлаш ва фойдаланишдаги нўноқликлар, станция раҳбариятининг коррупцияга берилганлиги ГЭС ишига панд берди.

Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, модомики, улкан салоҳият ва имкониятларга эга Россияда шундай аҳвол юз берган экан, иқтисодиёти ҳаминқадар давлатлардан нимани ҳам кутиш мумкин?

«Ростехнадзор» раҳбари айтиб ўтган воқеа Нурек ГЭСида ўттиз йил муқаддам содир бўлган. Кейинги йилларда станцияда нималар бўлди: уни қандай ишлатишди, таъмирлашди, хавфсизлигини таъминлашди? Бу мураккаб саволларга ким жавоб бериши, хавфсизликни ишончли таъминлаши мумкин?

Мутахассисларга яхши маълумки, Саян-Шушенск ГЭСидагидан кўра кичикроқ миқёсдаги ҳалокатлар Марказий Осиёдаги сув иншоотларида бир неча бор юз берган.

Масалан, 7-8 йил фойдаланилганидан сўнг Тўхтағул ГЭСида (Қирғизистон) вал зичлагичи қопқоғидаги бириктирувчи болтлар юлиниб кета бошлади ва турбина шахтаси, турбина биноси ҳамда станцияни сув босиш хавфи туғилди. 2009 йил 14 январда Қайроққум ГЭСининг (Тожикистон) машина залидаги сув генераторгача кўтарилди ва бу ҳолат станциянинг тўхтатилишига сабаб бўлди. Кўпчиликка маълум бўлган энг сўнгги ҳалокатлардан бири Тўхтағул ГЭСи (Қирғизистон) трансформаторида шу йилнинг 15 апрель куни юз берди. Натижада қарийб 360 МВт электр қуввати Қозоғистоннинг Шимоли-Жанубий транзитига ўтиб кетди.

Юқорида айтиб ўтилган далиллар шуни кўрсатадики, трансчегаравий дарёларда ишлатилаётган ва қурилаётган, айниқса, йирик гидроэнергетик иншоотлар ҳақидаги маълумотлар махфий сақланмаслиги, аксинча, мунтазам равишда жиддий мустақил экспертизадан ўтказиб турилиши лозим. Бу иншоотларнинг ишини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак, улар нафақат давлат органлари, балки нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида туриши лозим. Зеро, уларда юз берадиган ҳалокатлар минтақадаги бир нечта давлатнинг кўп сонли аҳолиси хавфсизлигини таҳликага қўяди ва жуда катта миқёсда тиклаб бўлмас зиён етказиши мумкин.

**Владимир КОЛОСОВ,**
**«Махсусгидроэнергомонтаж» шўъба корхонаси бош муҳандиси.**

*(«Халқ сўзи» газетасининг 20-октябрь сонидан олинди).*

Миннатдорлик

# ДАРДИМИЗГА МАЛҲАМСИЗ...

***Турмушнинг ташвишлари кўп. Аммо соғлиқдан катта бойлик йўқлигини уни асраш муҳимлигини бошига дард тушганда англаб етаркан киши.***

Мен кутилмаганда дардга чалиндим. Қарийб уч ойга яқин кучли бош оғриғидан азоб чекдим, бунинг устига уйқусизлик ҳолдан тойдирди. Бу орада турли шифохоналарга мурожаат қилдим. Шифокорларнинг тавсияси билан муолажа олдим. Лекин нафи кўп тегмади, соғлиғим тикланавермади. Шундан сўнг пойтахтдаги Республика нейрохирургия илмий маркази ҳақида эшитиб, Тошкентга келдим.

Тўғриси, кейинги пайтларда дардимга даво тополмагач, соғайиб кетишдан умидим сўна бошлади, муолажаларгаям ихлосим қолмади. Аммо бу марказга келган кунимдан бошлаб, аниқ ташхислашди, муолажалар, шифокорларнинг ширин муомаласидан аҳволим енгиллашгандек бўлди.

Ушбу тиббий жамоа биз — беморларнинг дардига малҳам бўлди. Айниқса, шифокор Замира Маҳмудова, катта ҳамшира Шаҳноза Маҳмудова, ҳамширалар Қиздиғой Умаралиева, Дилором Холматова, Раъно Раҳмиддиноваларнинг ширин муомаласи, беморларга беминнат хизмати, сабаб тезда соғая бошладим, руҳим кўтарилди. Эртага соғлом ҳаётга қайтишимга ишончим қайта уйғонди.

Таҳририятга ушбу мактубни йўллашимдан мақсад — менга ўхшаган беморларни даволаб оёққа турғазган, соғ-саломат оиласи бағрига қайтарган қўли енгил жарроҳ Ғайрат Қориев ва у раҳбарлик қилаётган Республика нейрохирургия илмий маркази жамоасига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Тилагим — шифокорлар хаста кўнгилларга умид бағишлаб, бемор танини дарддан фориғ этишдай савобли ишларни бажаришда ҳеч толмасин, доим дуо олиб юришсин.

**Раъно САФАРОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Хатирчи тумани**

## Газетада босилмади, аммо...

***Хоразм вилояти, Урганч тумани, ПТФ-1 қўрғонида истиқомат қилувчи Х.Машариповнинг «Меъмор» хусусий корхонаси раҳбари сифатида «Урганчкиновидео» МЧЖдан «Иқбол» кинотеатри биносини сотиб олгани ва таъмирлагани, лекин бу ишга «Ўзбеккино» миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими аралашгани ҳақидаги шикоят хати текширишга юборилган эди. Яқинда «Ўзбеккино» Миллий агентлигидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:***

# КИНОТЕАТР БИНОСИ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

«Шикоят хати «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, Агентликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлимига ушбу иш юзасидан корхона ишчи-ходимлари ва раҳбарияти билан учрашиш ҳамда муҳокамадан ўтказиш вазифаси топширилди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш юзасидан Агентликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими томонидан «Меъмор» хусусий корхонаси ҳуқуқшуноси О.Жуманиёзов ва «Урганчкиновидео» МЧЖ директори Ю.Жуманиёзовлар билан учрашилиб, хатда кўтарилган муаммолар биргаликда ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 7 сентябрдаги ажрими билан Фуқаролик ишлари бўйича Урганч шаҳар туманлараро судининг 2008 йил 16 декабрдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, «Иқбол» кинотеатри «Меъмор» хусусий корхонасига қайтариб берилганлигини маълум қиламиз.

**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги**
**бош директори в.б.**
**А.ИСҲОҚОВ»**

# КИНОЛОГ

## аввало, меҳрибон, зийрак ва сабр-тоқатли бўлиши керак

Сиз кутмаган суҳбат



***«Ланда» 54 маротаба тергов-тезкор гуруҳлари таркибида воқеа жойларига чиқиб, бир марта қотиллик, икки талончилик, саккиз ўғирлик ва бошқа жиноятларни фош қилишда иштирок этган. Дарвоқе, «Ланда» билан таништирмабмиз — Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлимидаги қидирув хизматидаги ит. «Ланда» ҳам, кичик инспектор-кинолог сержант Қаҳрамон Шаропов ҳам Республика ички ишлар вазирлиги қошидаги кинолог ходимлар ва қидирув хизмат итларини тайёрлов маркази битирувчиларидир.***

Айни кунда марказда таълим олиб, яхши мутахассис бўлиб етишган кинолог ходимлар ва ўргатилган хизмат итларини ички ишлар тизимининг турли хизматларида, республикамизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. «Кинология» сўзининг луғавий маъноси — грекчада «кинос» — ит, «логия» — фан, яъни итлар ҳақидаги фан деган маънони билдиради. Энди кинологнинг вазифаси ҳам тушунарли бўлса керак. Ички ишлар тизимидаги кинолог қўл остидаги ўргатилган хизмат итидан фойдаланиб, жиноятларни очишга кўмаклашади. Ит унинг доимий қарови, ғамхўрлиги остида бўлади.

Кинолог бўлишни истаганлар қатор синовлардан ўтиши керак. Олдин ички ишлар бўлимидаги кинолог штатига қабул қилиниб, кейин ўргатишга, малака оширишга юборилади. Кинологга ҳам ички ишлар тизими ходимига қўйилган умумий талаблар қўйилади — ундан яхши жисмоний тайёргарлик, довюраклик, ҳалоллик талаб этилади. Ва буларга қўшимча равишда — итларни севиш, уларга меҳрибонлик қила олиш ҳам талабгорнинг энг асосий хусусиятларидан бири бўлиши керак. Хуллас, жойларда кинологликка қабул қилиниб бироз синалган ходим, Тошкентга, юқорида тилга олинган марказга ўқишга юборилади. Тўғрисини айтсак, ҳақиқий синов даври ана шу ердаги 4 ойлик ўқув жараёнида бошланади.

— Ўқув маркази иш бошлаганига икки йил бўлиб қолди, — дейди марказ бошлиғи биринчи ўринбосари, подполковник Жавлон Жўраев. — Замонавий техникалар билан жиҳозланган ўқув хоналаримиз, ўқувчилар учун ётоқхоналар, спорт зали, мажлислар зали, итларни сақлаш мажмуаси, қисқаси, яхши кинолог мутахассислар ва итларни хизматга тайёрлаш учун барча шароитлар мавжуд. Амалий машғулотлар эса реал имкониятларга яқинлаштирилган манежда, чунончи, «самолёт салони», «омборхона», «квартира» каби жойларда ўтилади.

Марказда из қидирув, гиёҳванд моддаларни қидириш, ўқ-дори ва портловчи ускуналарни қидириш бўйича учта йўналишдаги таълим қаторига яна бири — қидирув-қутқарув хизмати йўналиши ҳам қўшилди. Ҳар бир йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, уларнинг ҳар қайси учун алоҳида мутахассис ва итлар тайёрланади. Ҳар бир йўналиш учун турли зотлардаги итлар танланади. Итлар ҳам инсонлар каби холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик характерларга бўлинади. Масалан, немис овчаркаси, Шарқий Европа овчаркаси холерик мижозли бўлиб, жуда жаҳлдор. Из қидирув хизматига айнан шундай итлар танланади. Чунки, у жиноятчини топган тақдирда у билан олишишга тўғри келиши мумкин. Жуда эски ҳидларни ҳам таниб оладиган «бладхауд» зотли итлар эса бу хизматда камдан-кам фойдаланилади, у жуда меҳрибон бўлганлиги туфайли, жиноятчини ушлаш, ҳужум қилиш бу итнинг «қўлидан келмайди».

Гиёҳванд моддаларни излаб топишда хушчақчақ «спаниель» зотли итлардан фойдаланилади, чунки уларнинг жуссаси кичик, наркотик ташувчилар молни яшириб қўйган ҳар қандай тешик-туйнукка бемалол кириб бора олади.

— Итларни танлаб олишда унинг келиб чиқишига ҳам эътибор берилади, — дейди Жавлон Жўраев. — Яна бир нарса ғоят муҳим — кинолог ва ит бир-бирига мос келиши, керак бўлса, улар биргаликда «ансамбль» бўлиши лозим. Бу муҳим мезон эса уларнинг хизмати самарасини белгилайди. Бу борадаги назарий билимлар марказ ўқув дастуридан ўрин олган психология ва янги ўрганилаётган зоопсихология курсларида ўрганилади.

Ана шу зоопсихология қоидаларига кўра, барча турдаги жониворлар, хусусан, ўргатилган итлар яхши хизмат қилишини истасанг, уларга яхши муомалада бўлишинг ва яхши шароитлар яратиб қўйишинг лозим.

Ўқув марказида ҳар бир итнинг «турар жойи» бир неча хонадан иборат — «очиқ айвон» ва совуқ пайтлар учун алоҳида хона, оёқнинг чигилини ёзиш учун бемалол айланадиган жой... Емишларини ветеринарлар қатъий назорат қилиб туришади. Иккинчи категорияли гўшт, ёрмалар ва сабзавотлардан махсус ошхонада овқат тайёрланади. Ҳатто, десерт ҳам бор. Фақат шоколаду конфетлар итларни ўргатиш жараёнида, командаларни тўғри бажарган тақдирда рағбатлантириш учун берилади.

— Кинологнинг итга меҳри биринчи ўринда туради, — дейди мутахассис ўқитувчи Умид Умаров ва ўзи дуч келган бир воқеани ҳикоя қилиб беради.

Ўқув жараёнида буюм орқали «жиноятчи»ни таниш машқида ити танлаган шахсга кинолог шубҳа билан қараган. Ит ҳақиқатдан ҳам нотўғри танлагани маълум бўлди. Чунки, ушбу машқдан олдин кинолог итини командани нотўғри бажаргани учун урушган экан. Кинолог ярим соатча жониворни ўйнатиб, у билан «ярашиб» олди. Қарангки, ит қайта такрорланган машқда буюмнинг ҳақиқий эгасини топиб берди.

— Итга қаттиқ меҳри бўлмаган кишининг яхшиси бу касбга келмагани маъқул,— дейди Умид. — Кинологликнинг анча ҳадисини олганман. Уйимдаги итим оила аъзоларим билан жуда яхши муносабатда. Аммо, бирон нарсани қўйиб, унга «қоровулла!» командасини бериб кетсам, бир неча кундан кейин келсам ҳам, ўша буюмга оила аъзоларимдан биронтасини яқин келтирмайди... Кинологияни анча ўргандим десам ҳам, гоҳо савол талаб қиладиган вазиятларга дуч келавераман. Шогирдларимизнинг бизга тез-тез қўнғироқ қилиб туришлари ҳам шундан.

Қисқаси, кинолог — сабр-тоқатли бўлиши ва турли синовларга тайёр туриши керак...

Ички ишлар вазирлиги қошидаги кинологлар ва қидирув хизмат итлари тайёрлаш маркази фаолияти билан танишиб, биз ҳам битта хулосага келдик — кинологлик қизиқарли ва қийин касб экан. Аммо, қайси жиҳати устунроқ? — деган саволга, тўғриси, жавоб беролмаймиз. Бунинг учун кинолог бўлиб кўриш керак...

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**


# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## 2010 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛАЁТГАН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА ЁТОҚХОНАЛАРИГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

## ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ**

***Янги қурилиш***

**1.** Деҳқонобод тумани, Бошчорбоғ қишлоғида саноат ва маиший хизмат йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

**2.** Косон тумани, Сурхон қишлоғида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

**3.** Касби тумани, Ўникки қишлоғида маиший хизмат йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

**4.** Яккабоғ тумани, Нўғайли қишлоғида қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

**5.** Чироқчи тумани, Чаппариқ қишлоғида иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва савдо йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

***Реконструкция***

**6.** Шаҳрисабз туманидаги саноат йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.

**7.** Нишон туманидаги қурилиш йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.

**ЁТОҚХОНАЛАР**

***Янги қурилиш***

**1.** Яккабоғ тумани марказидаги ахборот технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қурилиши.

**2.** Қарши шаҳридаги тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши.

**3.** Қарши шаҳридаги компьютер технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қурилиши.

**4.** Муборак туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қурилиши.

**5.** Нишон тумани марказидаги саноат ва энергетика йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.

**6.** Чироқчи тумани марказидаги спорт ва педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.

**7.** Шаҳрисабз тумани марказидаги тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.

**8.** Қарши шаҳридаги саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.

***Капитал таъмирлаш***

**9.** Қарши шаҳридаги қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг 300 ўринли ётоқхонасини капитал таъмирлаш.

**Буюртмачи:** Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

**Молиялаштириш манбааси** — Республика бюджет маблағлари.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:**

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

**Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси** — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

**Тел/факс: (8-375) 224-05-24.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.***

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати бўлган тақдирда 10 кунгача) сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати бўлган тақдирда 15 кундан кейин) «Буюртмачи» биносида ўтказилади.



## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газета — аввало, ахборот манбаи, билимни бойитиш, дунёдан огоҳ бўлиш воситаси, инсонни ойдин манзилларга бошловчи маёқ... Фақат шуларгина эмас, албатта. Газета — ҳаётда энг садоқатли дўст, фикрдош ва мададкор.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари ушбу тамойилларга амал қилишга интилиб келишмоқда.




**АЗИЗ ГАЗЕТХОН!**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК барча бўлимларида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинаяпти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, ишхонангизга ўзи кириб бораверади.

**«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.**
**«Голос Узбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.**



«POYTAXT AUKSION» DUK tomonidan o`tkazilgan auksion savdolari natijalariga ko`ra «O`zbekiston Respublikasi Siyosiy tadqiqotlar markazi» tasarrufidagi d/r 10BB847 bo`lgan «Дэу Леганза» 13 700 000 so`mga, «Tratsport xizmatlari sifatini nazorat etish boshqarmasi» DUK tasarrufidagi d/r 10AK123 bo`lgan «Тико» 4 300 000 so`mga, «Toshkent axborot texnologiyalari universiteti» tasarrufidagi d/r 10AE194 bo`lgan «Москвич-2137» 395 000 so`mga sotilganligini ma`lum qiladi.

Частное предприятие «SN INVEST» Яккасарайского района г.Ташкента Код ОКОНХ — 21487286 преобразуется в ООО «SN INVEST» и объявляет его правоприемником. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: **г.Ташкент, ул. Братислава, 11.**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 73-мактаб томонидан 1995 йилда **Умидахон Исроиловна Ражабова** номига берилган 9-синфни тугатганлик ҳақидаги ВУ №000698 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Дилдора Исоқовага укаси **Мурод Каримов**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Юнусобод туманидаги М.Турғунбоева номли Маданият уйи жамоаси директор ўринбосари Йўлдошбой Шариповга акаси **Кимсанбой ШОАБДУРАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 949
8239 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda